



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

## МИЛЛАТИМИЗ ФАХРИ

Сўнги ҳафталар ичида республикамиз маданий ҳаётида иккита оламшумул воқеа рўй берди: 26 март куни Япониянинг Сока университетининг ҳовлисида буюк ўзбек шоири Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди, 8 апрель куни эса мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Риганин Кронвалд боғида Латвия жамоатчилиги вакиллари ва бу ерда яшайдиган ватандошларимиз иштирокида буюк ўзбек олими ва давлат арбоби Улугбек ҳайкалини тантанали суратда очди.

Султон анингдек, деб ёзади шoir. "Мақолис ун-нафоис"да эса шундай сўзлар бор: "Донишманд подшоҳ эди. Кўп фазилатлар соҳиби эди. Қуръони Маъжидни етти кироят билан ўқирди. Астрономия ва математикани жуда яхши биларди. У тузган Зиж (юлдузлар жадвали) ҳозир ҳам амалда. Шунча камолот билан бирга баъзида шеърятга ҳам майли бор эди" (матн соддалаштирилган).


Бу иккала воқеа замирида катта маъно бор. Энг аввало, улар истиқлолимиз шарофати эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шуролар даврида миллий маданиятни кўз-кўз қилиш, ўтган улуғларимиз ҳаёти ва ижодини тарғиб қилиш миллийлик саналари. Соҳибқирон Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз номига "босқинчи" тамғаси урилган. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёр сингари улуг аллома ва шоирларимиз номини тилга олишга ҳам чўчирдик. Чунки уларнинг мероси "атеизм" қолиғига сикмас эди. Не-не нодир кўлэмалар ўтга ташланганлиги, неча-неча ватанпарвар зотлар қатағон қилинганлиги ҳам алам билан хотирлаймиш. Истиқлол куёши буларнинг барчасига чек қўйди, буюк меросимизни дунёга кўз-кўз қилиш имконини берди.

### Публицист минбари

Улугбек ҳам, Навоий ҳам илм-маърифат йўлида қанчалик заҳмат чеккан бўлсалар, халқ манфаати, унинг тинчлик ва оқолини таъминлаш йўлида ҳам шундай фидокорлик кўрсатдилар. Бирлари ҳукмдор сифатида, иккинчилари бош вазир рутбасида давлат ва миллат равнақи йўлида катта ишларни амалга оширдилар. Шу тўғрисида азиз номлари халқимиз хотирасида абадий муҳрланган қолди.

рус академиги Е.Э.Бертельснинг тадқиқотлари алоҳида ўрин тутди. У Навоий ижодининг умуминсоний моҳияти ҳақида, унда илгари суртилган олижаноб гоғлар ва фалсафий мушоҳадалар ҳақида меҳр билан ёзган эди. Қаранг, у нима дейди: "Навоий фақат гениал мутафаккир ва буюк шоиргина эмас, балки том маънодаги инсон, ўз халқини эҳтирос билан сўзган одам ҳам эди. Бундай одамларнинг умри боқий бўлади. Навоий ижодиёти музей экспонати, тарих парчаси эмас. У барҳаёт ва бундан кейин ҳам яшайди. Шунинг учун ҳам ўз буюк фарзандининг муқаддас хотирасини ҳурмат қилиб, унинг ижодини ҳормай-толмай ўрганиш ўзбек халқининг виждоний ишидир".

Машҳур Литва шоири Эдуардас Межелайтис эса шундай деб ёзади: "Алишер Навоий номи ва ижоди тарих саҳифаларига, башарият юрагига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган".  
Бу эътирофларга изоҳ ҳоҳат эмас. Алишер Навоий — чиндан ҳам миллатимиз фаҳри. 1991 йил мамлакатимизда Навоий йили деб эълон қилинганлиги ва Тошкентда катта миллий бoғ бунёд этилганлиги, 2001 йили шоир номи билан аталаётган вилоят ва шаҳар марказида улкан ёдгорлик мажмуи очилганлиги, муассасалар, мактаблар, кўчалар ва маҳаллалар унинг номи билан аталаётганлиги ҳам шундан.  
2002 йили Москвада Алишер Навоий ҳайкали қад тиклаганида бу ҳақда ифтихор билан ёзган эдим. Энди эса ғуруримизга яна ғурур қўшилди. Чунки буюкларимизнинг дунё бўйлаб "сафарлари" давом этмоқда. Улар Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида дўстлик ва қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар. Зеро, улуг зотларнинг буюклиги ҳам шундаки, улар нечанечаси асрлардан кейин ҳам юрт ва миллатга беминнат хизмат қилверадилар.  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ.



Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиалида бугунги кунда намунали ишлар амалга оширилляпти. Тиббий муассасани мутахассис кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини янада ошириш борасида олиб борилётган қатор тадбирлар шулар жумласидандир. Чунончи, шифокорлар шартнома асосида Москва, Киев, Харьков, Одесса каби шаҳарларда таъриба алмашиб келмоқда. Бу эса ўз ижобий натижасини кўрсатаётир. Ҳозиргача МДХ мамлакатларида қирқ беш нафар шифокор малакасини ошириб қайтди. Шунингдек, мазкур марказда илмий-тадқиқот ишлари ҳам кўнгилдагидек. Шу йилнинг ўзида бир докторлик ва бир номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ҳозир жамоада бир нафар тиббий фанлари доктори ва 19 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.  
Марказ барча зарурий тиббий ускуналар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган.



СУРАТЛАРДА: республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиалидан лавҳалар. Шухрат ОЛИМОВ олган суратлар.

## Нато лойиҳаси — амалда

НУКУС (ЎЗА муҳбири А.ОРТИҚБОЕВ).  
Ўзбекистон, Германия, Россия ва Қозоғистон олимлари икки йил илгари ҳамкорликда ишлаб чиққан НАТОнинг "Cooperative Linkage Project EST.CLG" лойиҳаси Орол денгизининг бугунги аҳоли, муаммолари билан боғлиқ кенг қамровли илмий ишларни ўз ичига олган.  
Нукус давлат педагогика институтида мазкур лойиҳа доирасида ўтказилган "Қуриб бораётган Орол денгизидagi физикавий ва кимёвий жараёнлар" мавзuida илмий-амалий анжуманда немис, рус, қозоқ ва ўзбек олимлари иштирок этди. Тадбирда уларнинг ўзгаришчан экотизимдаги геокимёвий ҳодисалар, Орол суви таркибининг сўнги 100 йил ичида кимёвий ўзгариши, денгизнинг қуриб қолган тубида кечаётган жараёнлар ҳусусидаги илмий хулосалари тингланди.  
Анжуманда Оролбўйида илмий-тадқиқот ишларини олиб бoриш, маълумотлар тўплаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан қилинажак ишлар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ.

"Telecom Inc" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Самарқандда ўз бўлимини очди. Бу ерда энг янги телекоммуникация ускуналари ўрнатилди, улар технология сновдан муваффақиятли ўтказилди.

## Мобил алоқа ва Интернет

Яқинда ташкил этилган қўшма корхона ўз фаолиятини Самарқанд вилоятида таъриба лойиҳасини амалга оширишдан бошлади. Корхона CDMA-450 стандартида "SKYTEL" савдо белгиси остида мобил алоқа хизматларини кўрсатишни режалаштирмоқда. Ушбу стандартнинг бошқа стандартлардан устунлиги шундаки, у Интернет тармоғига юқори тезликда уланши имконини беради.

"Ўзбектелеком" акционерлик компанияси ва АҚШнинг "NCI Projects International Inc" компанияси муассис бўлган "Telecom Inc" қўшма корхонаси республика ҳукумати томонидан таъдиқланган инвестиция лойиҳалари дастурига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, бу лойиҳалар тўғрисида тўғри хориж инвестициялари ҳамда кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилмоқда. Дастурда Ўзбекистонда CDMA-450 стандартидаги мобил алоқани ривожлантириш лойиҳасида хорижлик ҳамкорнинг иштироки ҳам кўзда тутилган.  
Узоқ ҳудудларни телефонлаштириш учун CDMA-450 стандарти томонидан таъминланган замонавий телекоммуникациялардан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади. CDMA-450 стандарти ёрдамида давлатнинг иккита асосий вазифаси — республиканинг барча аҳоли пунктларини универсал хизматлар билан таъминлаш ва Интернет тармоғини мамлакатимизнинг барча ҳудудлари ривожлантириш вазифалари ҳал этилади. Бундан қўзланган мақсад эса, Ўзбекистон ҳудудини сисмис алоқа билан тўлиқ қамраб олишдир. 2004 йил октябрда 25 миллион доллардан ортиқ маблағ инвестиция қилиниши режалаштирилмоқда.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири.

## МАКТАБ

Деновда бу сўз бош ҳарфлар билан ёзилади

Меҳнатинг сингган жойга меҳринг синггади. Меҳринг сингган жойдан садоқат ниҳоллари униб чиқади. Ниҳоллар эса мевалар беради.  
Денов туманидаги Жартена қишлоғи одамлари «Болаларимиз 6 чакрим узоқликдаги «Юрчи» мактабига қатнаб қийналиб кетди. Қишлоғимизга мактаб қуриб беринглар» деб турли идораларга кўп ёздилар.

Яқинда денг, Жартена деворлари камалак бўлиб товланадиган мактаб биноси қад ростлади. Дамин Жўраев бошлиқ механизациялашган кўча жалманда жамоаси қиличини 40 кун ичида битказди. Шoshiлич битказилган ишнинг сирти ялтирог-у, ичи қалтироқ эмасмикин, деб ўйламанг тағин.  
Бу мактабнинг 14 та синфхонаси деразаларидан ҳаминша қуёш қулиб қараб тургандай туюлади.

Синфхонада ҳар бир ўқувчига уч квадрат метрлик сатҳ тўғри келади, — дейди янги мактабнинг тарих ўқитувчиси Раёна Эшпўлатова. — Дарсхоналар баҳаво бўлдим, бу таълим иши мазмунининг ярини ташкил этади. Чунки ўпкаси тоза ҳаводан тўлиб турган бола ўтирган жойида мизғимайди. Зехни тиниклашади. Таҳсил қалбга синггади. Мактабнинг иккинчи қаватида қишқан одам бирпас тўхтаб, ойнаванд ҳавадан кўзга ташланган стадионга суқ билан қараб қолгани табиий: янги мактабнинг қалити ҳали эгаларига топшириб-топширилмасдан стадионга ётқизилган чим майсалари униб чиқа бошлади. Югуриш йўлақлари, волейбол, баскетбол майдончалари шундай чиройли хошиялар тортиб безатилган, бу ерда Олимпиклар муСОбақалари ўтказилса арзиғулик, деб ўйлаб қоласиз.

Қирқ иш кунида олмос қандили, 420 ўринли мактаб қуриш, тўғриси, қўлимиздан келмасди, — дейди Дамин Жўраев. — Маҳалла аҳли бизга маддакор бўлди. Хали ҳоқимлик, хали фермерлар, ишибилармонлар ҳар кун илмиват билан ҳашар оши дамладилар. Куюқроқ, сифатлироқ бўлсин деб, биров бўёқ, яна

биров алибастр, қандил, гишт, эшиклар учун чиройли тутқичлар совға қилишди. Белқурак олиб келиб, қоршима қорганлар бўлди. Жартеналиқлар мактабни дорилфунун, академия деб улуғлар эканлар. Шу мактабга қатнайдиган фарзандларидан дорилфунунлар яратадиганлар чикишини уним қилмоқдалар. Шундай бўлажак ҳам.

Биз оддий қурувчи Худойшукур Тилоков билан гаплашамиз.  
— Иш йўқ, бекорчиман, деб жар солиш дангасанинг шоири, — дейди у. — Ишлаганга моаш ҳам бор. Мен, мана, ойига 70 минг сўм моаш оламан.

Лоқнинг чиройини қандай очиб турибди! Ўқувчиларнинг тушларига кириб чиқадиған мактаб бўлди-да, ўзиям.

— 2004 йилнинг биринчи чорағи давомида туманимизда қуриб битказилган учинчи даргоҳ бу, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Юсуф Саппиев. — Йил охирига қадар яна олти та мактаб учун янги иморатлар қуриш мўлжалланмоқда. Биз Президентимизнинг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиш талабларини амалга ошириш давомида таълим самардорлигининг бош омилли-ўқувчининг малакасини ошириш, унинг ўз-ўзига талабчанлигини кўчайтириш таомилларига эътиборни қаратамиш.

Эътиборга сазовор яна бир янгилик: Жартенанинг янги мактабига келтирилган янги парталар синфхоналардаги «П» ҳарфи шаклида ўрнатилляпти. Демак, ўқувчилар олдингидек кетма-кет бўлиб эмас, юзма-юз бўлиб ўтирадилар. Уртада эса гуллар ўстирилади.

Жартена болалари бундай қошонада бодом гулларидай яйраб-яйнаб таҳсил кўрадилар...

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Профессионал бокс

### МУҲАММАДҚОДИР — ҚИТЪАЛАРАРО ЧЕМПИОН!

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида жойлашган машҳур "Mandalay Bay" мажмуида таъдиқли профессионал боксчилар иштирокида рейтинг ва чемпионлик камари учун жанглар ўтказилди. Ҳаваскорлар боксида қитъа, жаҳон ва Олимпикда ўйинлари чемпионлигини қўлга киритиб, профессионал боксга ўтган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев америкалик Жесси Фелисано билан WBO йўналиши бўйича Intercontinental (Қитъалараро) чемпионлик камари учун рингга чиқди.

12 раунд давом этиши лозим бўлган ўшбу чемпионлик жанги олдиндан ҳар икки боксчининг имконияти деярли тенг баҳоланаётганди. Чунки жаҳон рейтингидида 18-ўринда қайд этилган Муҳаммадқодир Абдуллаев рақибига нисбатан анча таърибали бўлишига қарамай, АҚШга Германиянинг "Universum Box Promotion" клуби аъзоси сифатида келганди. Профессионал боксда эса Европада шуғулланаётган боксчиларнинг АҚШда ташкил этилган жангларда маҳаллий спортчилар устидан галаба қозониши анча мушкул.  
Ҳамюртимиз профессионал боксини АҚШда бошлаган бўлса-да, фаолиятидаги ягона мағлубиятга америкалик мураббийнинг ноҳоллиги сабаб бўлгани боис, машғулотларни Германиядаги мутахассислар

ёрдамида ўтказишни маъқул кўрди.  
Муҳаммадқодирнинг рақибига Жесси Фелисано ёш бўлишига қарамай, профессионал рингда ўн иккита жангига галаба билан яқунлаган, иккитасида дурангга эришган ва янги бир марта енгилган, холос. Ж.Фелисано жаҳон рейтингидида 51-ўринда қайд этилган.  
Чемпионлик камари учун ўтказилган жанг анча кескин ва муросасиз кечди. Хар икки боксчи ҳам бир-бирига қучли ва аниқ зарбалар бериб, беллашуви мудатидан олдин яқунлашга ҳаракат қилди. Бироқ таъриба ва маҳорат бoбида америкалик боксчидан анча устун Муҳаммадқодир Абдуллаев еттинчи раундда ташаббусни бутунлай ўз қўлига олди.  
Кейинги раундда Муҳаммадқодир рақибига бир нечта аниқ ва қучли зарба берди. Бу ҳолатда америкалик боксчи юзини ҳимоя қилишга ҳам ўзида куч тополмади. Ж.Фелисанонинг ўзбекистонлик боксчининг зарбаларига дош беролмаётганини кўрган урашув рефериси саккизинчи раундда Муҳаммадқодир Абдуллаев галаба қозонганини эълон қилди.  
Шундай қилиб, ўзбекистонлик профессионал боксчи ўн тўртинчи галабасига эришди ва қитъалараро чемпионлик камарига сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

## Пойтахтимизда

ТОШКЕНТ (ЎЗА муҳбири Б.ХИДИРОВА).  
Республика ёшларининг "Bioekosan" ўқув-устулий мажмуида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази билан ташкил этилган ушбу тадбирда давлат, шунингдек, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

— Мамлакатимизда 1993 йилдаёқ алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида қонун қабул қилинган эди, — деди Ўзбекистон Миллий университети география факультети «Табиий география ва геоэкология» кафедраси мудири, профессор Аскар Нигматов ЎЗА муҳбирига. — Ўтган даврда Қонун ижросини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу асосда ўнлаб меъёрий ҳужжат яратилди. "1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ишлари дастури" ишлаб чиқилди. Бир қанча халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.  
Юртимиз ҳудудининг икки фоизга яқин қисмини алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этади. Халқаро меъёрларда бу кўрсаткич ўн фоиз этиб белгиланган. Бу борадаги ишларни янада тақомиллаштириш, табиий бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий қонунчилигимизни атроф-муҳитни муҳофазалаш борасидаги халқаро меъёрларга тўла мослаштириш мақсади "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунга муайян ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжини тўғдирмоқда.  
Анжуманда янги қонун лойиҳаси юзасидан маърузалар тингланди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

## Жойлардан хабарлар

### «ОЛТИН МЕРГАН» ДАН ОЛТИН БИЛАН

Алматида ўқ отиш бўйича «Олтин мерган» турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ва мамлакатимизнинг етакчи спортчилари ҳам иштирок этди. Афина Олимпиадасига тайёргарлик қўраётган ҳамюртимиз Вячеслав Скромнов ВП-6 ва МВ-9 тўппончаларидан отиш бўйича машқларда олтин, МВ-6 тўппончасидан отиш машқида эса бронза медалига сазовор бўлди. Шунингдек, спортчиларимиздан С. Возмишев, Я. Фахри, С. Мамедова, Е. Пилиева ҳам соғиринли ўринларни эгаллашди.

### «БЕКАСАМ»НИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАРИ

ҚАШҚАДАРЭ (ЎЗА муҳбири Фахриддин БОЗОРОВ).  
Китоб туманидаги «Бекасам» ишлаб чиқариш корхонаси учун 2003 йил — бурилиш йили бўлди. Боис корхона Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тендеридида иштирок этиб, кўп миқдорда болалар кийимлари ва мактаб ўқувчилари учун сумкалар тайёрлаш имкониятини қўлга киритди.  
«Бекасам»нинг раҳбари Сайёра Сатторованинг айтишича, бу муваффақият тўғрисида ўтган йили корхона тўла қувват билан ишлади. Йил давомида саккиз минг дона болалар курткаси, олти минг дона ўқувчилар сумкаси тикилиб, ўз вақтида буюртмачиларга етказиб берилди.


## «Халқ сўзи» назоратида

### Тадбирлар белгиланди

Газетамизнинг шу йил 3 февраль сонидида "Нарх ва сарф" сарлавхали мақола эълон қилинган бўлиб, унда ҳозирги кунда "Хива Карпет" қўшма корхонаси учун доллар бўлиб турган масалалар, муаммолар ҳақида сўз юритилган. Мазкур мақола юзасидан таъриратимизга Ўзбекистон Республикаси Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Р.РУЗИҚУЛОВ имзоси билан расмий жавоб келди. Унда таъкидланишича, ишлаб чиқарилаётган гиламларнинг танарҳини 30 фоизгача пайсатириш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида "Хива Карпет" қўшма корхонаси ҳудудида гилам ишлаб чиқаришга мос жун ювдиган фабрика барпо этишга қарор қилинган.

Бундай фабрикани май ойи охирида ишга тушириш мўлжалланган. Ҳозирги кунда нитрон толасининг нархи узлуксиз ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, гиламларнинг асосий қисмини жундан ишлаб чиқариш чора-тадбирлари қуриляпти. Мақолада кўтарилган бошқа масалалар ечимини борасида ҳам тегишли ишлар олиб борилляпти.





Хабарингиз бор, ерликлар бошқа сайёраларни тўлароқ ўрганиш мақсадида уларнинг ўзига ёки орбитасига ҳам космик аппаратлар учирмоқда. Мана шундай аппаратлар ҳозир Юпитер, Венера ва бошқа сайёралар атрофида кезиб юрибди. Марс сайёрасига «Оппорто-

## Коинот сирлари очилаяпти

Кеча бугун дунё одамзод биринчи бор коинотга парвоз қилганини 43 йиллигини нишонлади. Юрий Гагариннинг 1961 йил 12 апрелдаги сафари 108 дақиқа давом этди. Бу воқеа инсониятнинг коинотни забт этишга қаратилган режаларига катта туртки бериб, техник тараққиётнинг жадаллашишида муҳим омил бўлди.

Гагариннинг илк сафаридан сўнг коинотга 32 давлатдан 431 киши учирилди. 149 киши очик космосга чиқди. Россиялик Сергей Авдеев космосда энг узок вақт (747 кун 14 соат) бўлди. Очик космосга чиқиш бўйича ҳозирга қадар америкалик Жеймс Восс ва Сьюзен Хелмсга тенг келадигани йўқ. Улар 8 соат 56 дақиқа мобайнида космик станциянинг ташқарисида таъмирлаш ишларини олиб боришди.

нити» ва «Спирит» каби аппаратлар кўндирилди. Улар Марсда турли тадқиқотлар ўтказишяпти. Айни пайтда олимлар Марсга учувчиси бўлган экспедиция уюштириш устида бош қотиришмоқда. Жумладан, АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва Хитой давлатлари биргаликда Марс сайёраси ва Ойга ана шундай сафар ташкил этиш борасидаги режани амалга оширмоқчи.

## Nokia суд олдида

Хабарларга қараганда, сўнгги пайтларда уяли телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётган Nokia компаниясининг молиявий аҳоли анча ёмонлашиб бормоқда. Компания маҳсулотларини сотиш шу йил биринчи чорагида тахмин қилинган 3-7 фоиз ўсиш ўрнига 2 фоизга камайди. Биржа сотувларида унинг акциялари 17 фоизга тушиб кетди ва компаниянинг капитали ярим соат ичида 18 миллиард долларга қисқарди. Бу эса акциядорларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Акциядорлар ҳатто компания раҳбарларини судга бе-

ришгача бориб етдилар. Давоғарларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган Milberg Weiss Bershad Hynes & Lerach юридик фирмасининг хабар беришича, Nokia компанияси 8 январдан 6 апрелгача ўзининг бозордаги молиявий аҳоли ҳақида бир қатор нотўғри маълумотлар берган. Сабаби — компания жорий йилнинг биринчи чорагида маҳсулот сотиши кўпайишига умид боғлаган эди. Аммо бу умид ушаламади. Натижада компаниянинг раҳбарияти, хусусан, унинг бошлиги Йорму Оллилга нисбатан жиноий иш қўзга-

тилди. Аммо компания раҳбарияти ўзларига нисбатан кўйилган барча айблар асосиз эканини таъкидламоқда. Уларнинг айтишича, компаниянинг молиявий аҳоли ўз манфаатларини суд орқали ҳимоя қилмоқчи. Кузатувчиларнинг фикрича, компания раҳ-



бариятининг бундай баёнотлари фақат айбларини яширишга қаратилган. Буни уларнинг ўзларига қарши илгари сурилаётган далилларни рад этолмаётганидан ҳам билса бўлади.

Нима бўлганда ҳам, компания раҳбарияти шу йилнинг биринчи чорагидаги молиявий аҳоли бўйича суд олдида жавоб беришига тўғри келади.

Мутахассисларнинг айтишича, ҳали Nokia компаниясининг акциядорлари қанча тоvon пули талаб қилиши аниқ эмас. Мутахассисларнинг фикрича, тоvon пулининг ҳажми компания тахминлари асосидаги ўсиш (юқорида қайд этилган 3-7 фоиз) микдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланиши керак.

Салим ДОНИЕРОВ.

## Музокаралар ўтказишга тайёр

Испания ахборот маҳкамаларининг хабар тарқатишича, мамлакатда фаолияти тақиқланган Батасуна партиясининг ЭТА айирмачилик ташкилотини янги ҳукумат билан музокаралар бошлашга тайёр эканлигини маълум қилди. Манбаларда айтилишича, эндиликда ЭТА ўз мақсадини амалга ошириш жараёнида террорчилик йўлидан бормайди.

Сўнгги пайтларда мазкур ташкилот аъзолари мамлакат хавфсизлик кучлари томонидан қаттиқ таъқиб қилинмоқда. Охириги тўрт йил ичида 600 нафардан ортиқ айирмачилар қўлга олинган.

## Қочишга уринганда...

Филиппин ҳукумати вакили мамлакат шимолидаги қамқончалардан қочган етти нафар маҳбус хавфсизлик кучлари томонидан йўқ қилинганини маълум қилди. 53 нафар маҳбус қамқончалардан Басилан оролига қочиш учун махфий равишда қуроллардан фойдаланган. Ҳозирда қўрилган чора-тадбирлар оқибатида бунинг олди олинган. Қочишга уринганлар орасида қуролланган «Абу Сайяф» террорчи ташкилоти аъзолари ва «Ал-Қоида» билан алоқадор маҳбуслар бор.



## Ер кўчди

Расмий манбада айтилишича, Перудаги Мачу Пикчу шаҳри яқинида юз берган ер кўчиши оқибатида олти нафар одам қурбон бўлган. Шаҳарни Куско шаҳри билан боғловчи транспорт йўлларида жиддий зарар етган. Оқибатда юзлаб хорижий сайёҳлар алоқадан узилиб қолган. Яна бир неча одам ҳозирча бедарак йўқолган, деб тахмин қилинмоқда. Маҳаллий ҳукумат нуқулай об-ҳаво шароитида жабранланганларга ёрдам кўрсатиш қийин кечаётганлигини маълум қилди. Воқеа жойига мамлакат Президенти Алехандро Толедо етиб келди.



## Шахтада ёнғин

Кемерево вилоятининг Кузбасс худудидagi «Тайжина» шахтасида метан портлаши оқибатида 46 нафар одам ҳалок бўлди. Фожиа юз берган жойдан хабар қилинишича, ҳозирда кидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Вилот губернатори Омон Тулеевнинг текширувнинг дастлабки натижаларига қўра берган маълумотига қараганда, 500 метр ер остида ремонт ишлари олиб борилаётган бир пайтда метан газига ҳавога тарқалган ва кучли портлаш юз берган.

## Денгиз мушуклари хавф остида

Бир вақтлар денгиз мушуклари умуман йўқ бўлиб кетаётганлиги ва мазкур сув ҳайвонини ҳимоя қилишга халқаро чорлов эълон қилинган. Хусусан йигирма беш йил олдин Канаданинг шарқий қирғоқларида ёш денгиз мушукларини овллаш буткул барҳам топган. Бироқ охириги йилларда ноёб сув ҳайвонларини овлочилар кўпайиб қолди. Канада ҳукумати бу йил 300 минг дона мушукни овллашга расмий рўқсат берди. Бундан бир гуруҳ экологлар ташвишга тушмоқдалар.



## Гумондорлар қамқоққа олинди

Иордания ҳукумати вакили бир неча машинадан портловчи модда топилганини маълум қилди. Бундан ташқари, мамлакат худудида қўпуровчиликка тайёргарлик кўришда гумон қилинаётган кишилар қамқоққа олинди. Шу кун Иордания-Сурия чегарасида ҳам портлатчи модда юкланган машина ушлаб қолинган.

Охириги икки ҳафта мобайнида Уммонда дипломатик корпус ва давлат муассасаларида хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Шоҳбоб РАҲМОНОВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети магистранти.

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Лойиҳаларни ҳукумат тақдим этади

арбоблар шу палата аъзоси ҳисобланади.

Сенат ҳудудий округлар бўйича умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган 315 сенатор ва Президент томонидан бир умрга сенаторликка тайинланган мамлакатдаги бешта энг таниқли, энг обрўли кишидан ташкил топади. Шунингдек, сенатга собиқ президентлар ҳам аъзо бўлиши мумкин. Сенатга сайловларда 25 йшга кирмаган фуқаролар иштирок этмайди. Сенатор эса 40 ёшдан ошган бўлиши шарт.

Депутатлар палатаси 630 аъзодан иборат бўлади. Депутатлар палатаси аъзоларини сайлашда 18 ёшдан ошган барча фуқаролар иштирок этади. Хар икки палата аъзолари ҳам беш йил муддатга сайланади. Фақат уруш ҳолатидагина парламент аъзоларининг ваколат муддати узайтирилиши мум-

кин.

Парламентга янги сайловлар эски таркибининг ваколат муддати тугашига қамда 70 кун қолганда ўтказилади. Янги парламент аъзоларининг биринчи йи-

### Жаҳон давлатлари парламентлари

гилиши сайловдан сўнг 20 кун ичида ўтказилиши керак. Оддатда биринчи йиғилишлари раис ва котиблардан иборат вақтинчалик бюро олиб боради. Сенатда вақтинча бюро раиси этиб энг кекса сенатор, котиблар этиб энг ёш олтита сенатор сайланади. Италия конституциясига биноан, давлат раҳбари — Президент парламентни бутунлай ёки алоҳида унинг бирон-бир палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Палаталарнинг раислари ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Мамлакат Президенти ўз вазифасини баҳара олмай қолган тақдирда унинг ўрнини сенат раиси эгаллайди. Шунинг учун палата раислари бир неча турдан иборат узоқ жараён натижасида сайланади.

Хар бир палатада бюро, котибиятдан ташқари жунталар ҳам бўлади. Улар комиссиялар вазифасини баҳаради. Жунта аъзолари Бевосита палата раҳбарлари томонидан тайинланади. Депутатлар палатасида 14 та, сенатда эса 12 та доимий комиссияси мавжуд. Палаталарнинг навбатдаги сессиялари февраль ва октябрь ойларининг биринчи иш куниде бўлади. Палата раислари, Президент ёки бирон-бир палата аъзоларининг учдан бир қисми талаби билан навбатдан ташқари сес-

сия чақирилиши ҳам мумкин.

Италия конституциясига биноан, қонунлар икки палата томонидан ҳам қабул қилинади. Қонунлар лойиҳаси асосан ҳукумат томонидан тайёрланади. Чунки қайси қонун ҳозир мамлакат учун зарурлигини ҳукумат яқини билди. Парламент палаталари, гуруҳлари ва комиссиялари ҳам қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин. Шунингдек, давлат Бош қомусига биноан, вилоятлар кенгашлари ва Италия халқи ҳам қонун лойиҳасини парламентга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Иккинчи ҳолатда лойиҳага 50 минг киши имзо чеккан бўлиши керак.

Қонунлар лойиҳаси аввал бир палата, кейин иккинчи палата, сўнг Президент томонидан кўриб чиқилиб, маъқуллангач, қўлга киради. Лойиҳани фақат палаталар қайтариши мумкин. Президент парламент томонидан маъқулланган лойиҳани рад эта олмайди.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ.

## Ўнлаб киши гаровда

Хитой оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Ироқнинг Фаллуж шаҳрида мамлакатнинг етти нафар фуқароси жангарилар томонидан гаровга олинган. Воқеа жойидан хабар узатаётган мухбирларнинг сўзларига қараганда, Мухтад Садр тарафдорлари ўнлаб



одамларни гаровда ушлаб турибди.

Уч нафар Япония фуқаросини қутқариш йўлида музокаралар давом этмоқда. Қўнчиқар мамлакат вакилининг сўзларига қараганда, музокаралар ўта мураккаб шароитда олиб борилаяпти. «Ал-Жазира» телеканали гаровдагиларнинг саккиз нафари осёбёликлар эканлигини маълум қилди. АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқда рўй бераётган оммавий тўқнашуларга тез орада барҳам берилишини таъкидлади.

## Хужжат имзоланиши кечиктирилди

Судан ҳукумати ва Судан озодлик халқ армияси исёвчилари ўртасида тинчлик ўрнатиш борасидаги ҳужжат имзоланиши бир неча кунга қолдирилди. Узаро битим яқшанба кун имзоланиши лозим эди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Мустафо Усмон Иброҳим маълум қилди.

Мазкур битим мамлакат жанубида 1983 йилдан бундан давом этиб келаётган фуқаролар урушига нуқта қўйиши керак.

Яқин Шарқ инсоният тараққиётининг бешиги ҳисобланади. Ҳозир ҳам дунёдаги сиёсий, диний, иқтисодий иқлим кўп жиҳатдан бу ердаги аҳволга боғлиқ. Жаҳондаги ноёб рангли металллар, руда, энергия манбалари захирасининг каттагина қисми мазкур минтақада жойлашган.

Яқин Шарқ уч қитъа — Осиё, Африка ва Европа савдо-сотик йўллари туташган минтақаси ҳамдир. Жаҳон нефть захирасининг учдан бир қисми Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида тўпланган.

Минтақадаги энг йirik давлатлардан бири — Саудия Арабистони нефть захираси бўйича дунёда биринчи, уни қазиб олиш бўйича иккинчи ўринда туради. 1976-1997 йилларда ушбу мамлакат худудидан хар йили ўртача 220 миллион тонна нефть қазиб олинган. XX асрнинг иккинчи ярмида нефть сотиш ва ҳаж зиёратидан келадиган даромадлар туфайли мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи анча яқшиланди. Саудия Арабистони ер ости бойлиги сайёрамизнинг 75 мамлакатига экспорт қилинади. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия ва Италия каби давлатлар асосий истеъмолчи ҳисобланади.

Мамлакатда қўрилган катта даромадлар ҳисобига аҳолига

## Яқин Шарқ: Нефть хомашёси ва минтақа тараққиёти

кўплаб имтиёзлар берилган. Хар бир қўқартирилган хурмо дарахти ва боқилган қўй учун одамларга 50 риёлдан муқофот берилади. Талабалар бепул кийим-кечак, китоб ва ўқув қуроллари билан таъминланади. Умуман, Саудияда таълим ва тиббий хизмат деярли бепул.

Яқин Шарқдаги инфляция микдори энг кам давлат ҳам Саудия Арабистони ҳисобланади. 1996-1998 йилларда ўртача йиллик инфляция бир фоиздан ҳам кам бўлди.

Минтақадаги яна бир давлат — Эрон Ислон Республикасида 1975 йилда энг кўп — 267,8 миллион тонна нефть қазиб олинган эди. «Қора олтин» мамлакат экспорт микдорининг 80 фоизини, валюта тушумларининг 50 фоизини ташкил этади. XX асрнинг 80-йилла-

рида нефть сотишдан хар йили 22 миллиард доллар даромад олинган. Ҳозир эса бу кўрсаткич 10-12 миллиардга тушиб қолди. «Қора олтин» захирасини келажак авлодга сақлаш мақсадида мамлакатда нефть қазиб олиш бўйича қатъий режа ишлаб чиқилган. Эроннинг Абадон шаҳрида дунёдаги энг катта нефтни қайта ишлаш заводи бор. У хар йили 25 миллион тонна нефтни қайта ишлайди.

Нефть сотиш ҳисобидан аҳолисининг яқин яшашини таъминлаган давлатлардан бири Кувайтдир. Бу мамлакатда хар йили 105—110 миллион тонна «қора олтин» қазиб олинади. Қўриладиган йиллик даромад эса 10 миллиард долларни ташкил этади.

Яқин Шарқ мамлакатларидаги аҳолининг турмуш тарзи кўп жиҳатдан жаҳон бозоридagi нефть

**Винлад** Сгелаем жизнь спокойнее!

**ОБОРУДОВАНИЕ СИСТЕМ ТЕЛЕНАБЛЮДЕНИЯ**

Panasonic SONY PELCO J&S

Системы охраны периметра, теленаблюдение, контроль доступа, охранно-пожарное оборудование, аудио- и видеодофоны, UPS, металлодетекторы и др. оборудование.

Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13, тел./факс (998 712) 120-66-01. e-mail: vinlad@sarkor.uz www.vinlad.com

**ESENYA** КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

**ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:**

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- СУЗИШ ҲАВЗАЛАРИ;
- АКВАПАРЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб бөрүвчиси.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа бог жихозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаш ва қайта тикланиш ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

Манзилими: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

**ESENYA** OAO АТТРАКЦИОН CATALOGUE

Ваше и Handelsinvestition GmbH Trautvetl - Deutschland

**БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН**



Мехр ва мурувват йили

Менинг болагим урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Ахил яшардик. Бу борада катталар бизга ўрнатқилар. Қариндош-уруғчилик, кўни-кўшничилик, меҳроқибат юксак эди. Кўни-кўшнилар кечкурун кимнинг учоғида олов ёнмаса, ўша кўшнинг уйига, ўз бола-чақасининг ризку насибасидан қирқиб бўлса ҳам, бир коса овқат чиқаришарди.

# «Бирингга минг бераман...»

Маҳалламизда отамнинг Жалил амаки деган бир дўсти бўларди. У кишини ҳамма «Жалил бойвачча», деб атади. Бир кун отам билан бир жойдан келётганимизда, у одани учратиб қолдик. «Кичкина Кўчқорбойнинг оти нима? деб отамдан сўради у. Отамнинг исми Кўчқорбой эди. Сўнг менга қўлингни оч, деди ва узок дуо қилди. Отам иккови бир мuddат сўбатлашиб бўлган, хайрлашди. Йўлда отамни саволга тутдим: «Нега бу амакини ҳамма «Жалил бойвачча» деб чақиради? Шунда отам, хар холда отараваси бўлгани учун унинг қўли мендан узурок, доим топан-тутганини бева-бечодар билан баҳам қўради. Шунинг учун кўпчилик шундай деб чақиради, деди. Кейин ҳаммага ҳам ана шундай бойваччалик насиб қилсин, деб қўшиб қўйди. Отам урушда олган кўлаб оғир жароҳатлари тўғрисида оламдан эртга кўз юмди, аммо Жалил амаки узок ҳаёт кечирди.

Дўстим Собитжоннинг ўгли Одилжон мустақиллик шарофати билан тadbиркорликка қўл урди. Дуода гап кўп экан. Бобосининг дуосини олган Одилжоннинг ишлари секин-аста юриша бошлади. Орқага кетган пайтлари ҳам бўлди. Аммо у эсанкурамади. Уз хатларидан тўғри хулоса чиқариб, тинмай ишлади, ўқиди, изланди, маъна оширди. Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қила бошлади. Биринчи даромадидан ўз болалари катнайдиган боғчаларни таъмирлаб берди. Кейин у саховатли ишларга ҳам қўл ура бошлади. «Чилзор ота» қабристонини ободонлаштирди. Йўлақлар чиройли таъмирланди, эриткичлар ўрнатилди. Бир неча бор маҳаллада Наврўз ва бошқа байрам тadbирларини ўтказишга бош бўлиб, кам таъминланган маҳаллаларига совғасаломлар улашмоқда. Энди у бир вақтлар отаси, кейинчалик ўзи ўқиган, хозирги кунда болалари ўқибган, 40 йилдан ортқ вақт мобайлида хали бирор марта тубдан таъмирланмаган 162-мактабни пухта таъмирлашга киришибди.

Бугун мактаб катта қурилиш майдонини эслатади. Унда ўнлаб одам меҳнат қилаёпти. Мактаб деворидан бошқа ҳаммаси янгидан бўлаяпти. Бир сўз билан айтганда, бу ишларнинг катта тарбиявий аҳамияти бор. Уз юртининг келажagini ўйлаган инсонгина тирикликда ёш авлодга — болаларга бор мурувватини кўрсатади. Бола — ўзи ўсиб кетаверадиган терак эмас, уни тарбиялаш, ўқитиш, ўргатиш лозим. Баъзи бир манманлик касалига дучор бўлган замонавий бойваччалар ўз фарзандларини ўқитиш, хунар ўргатиш ўрнига чўнтагига жараж-жараж пул солиб, хориж машинасига миндириб қўядилар. Бундай фарзандлар на бойликнинг, на ота-оналарининг кўдига етадилар. Хажийги тарбия қуруқ насихат йўли билан эмас, амали намуна орқали берилади. Мен шундай тарбияни Жалил ота оиласида кўраман.

Носир ЗОКИРОВ,  
Тошкент давлат  
иқтисодий  
университети профессори.

**Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИАА «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ ВА «ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ**  
**2ВС-105 вагон-самосваллар (думпкарлар)ни етказиб бериш бўйича тендер ўтказилиш мuddати узайтирилганини эълон қилади.**  
Тендер тақлифларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2004 йил 26 апрель соат 18.00гача.  
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 75-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.  
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51. Факслар: 68-75-96, 68-27-42.

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

«Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва саломатлик» лойиҳаси доирасида «Коракалпоғистон Республикасида кудуқларни пармалаш ва сувни шўрсизлантириш станцияларини ўрнатиш»

Қарз/кредит рақами: 4216-UZ

Шартнома/тендер рақами: Шартнома NDU — «Коракалпоғистон Республикасида кудуқларни пармалаш ва сувни шўрсизлантириш станцияларини ўрнатиш» (I-босқич: кудуқларни пармалаш ва сув иншоотларини қуриш).

Бу тақлиф «Development Business» журналида 1996 йил 16 ноябрда чоп этилган ва 2001 йил 30 июнда янгиланган ушбу лойиҳа бўйича харидлар тўғрисидаги умумий хабарномадан сўнг эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати (Молия вазирлиги) томонидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан (ХТБ) «Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва саломатлик» лойиҳасини амалга ошириш учун кредит маблағи (заём) олинган. Маъмур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги масъуллигида амалга оширилмоқда. ХТБ кредит маблағларининг бир қисми «Коракалпоғистон Республикасида кудуқларни пармалаш ва сувни шўрсизлантириш станцияларини ўрнатиш» NDU-сонли шартнома бўйича тўловлар учун йўналтирилиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва унинг ҳузуридаги лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) тендерда катнашиш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларни 10та сувни шўрсизлантириш станциясини қуриш (I-босқич) бўйича тендерда ўзларнинг муҳтарам тақлифларини юбориш орқали катнашишга тақлиф этади. Баъжариладиган ишлар суви тарқатиш шохобчалари билан янги сув иншоотларининг комплекс қурилишини ўз ичига олади. Сувни шўрсизлантириш ускуналарини етказиб бериш, ўрнатиш, тегишли коммуникация йўналишларига улаш ва синовдан ўтказиш билан боғлиқ ишлар шартноманинг II-босқичига киритилган ва ушбу ишлар юзасидан алоҳида тендер ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Қурилиш мuddати — 12 ой (I-босқич).

Тақриб: тендер иштирокчилари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт (қўшимча талаблар рўйхати тендер ҳужжатларида кўрсатилган):

- бoш пудратчи сифатида ўртача йиллик айланмаси ҳажми сўнгги 5 йил давомида 2 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлиши лозим;
- лойиҳа менежери назарда тутилган қурилиш ишларига ўхшаш бўлган ишларда камида 5 йил тажрибага эга бўлиши зарур;
- 250 миң АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаган ликвид активларга эга бўлиши ва/ёки кредит маблағ (лимит)лари олиш имкониятига эга бўлиши керак;
- таркиби ва мураккаблиги жиҳатидан назарда тутилган қурилиш ишларига ўхшаш бўлган охириги беш йил ичида камида иккита лойиҳани амалга оширишда бoш пудратчи сифатида муваффақиятли тажрибага эга бўлиши лозим.

Тендер ХТБнинг 1995 йил январь ойидаги (1996 йил

## ТОШКЕНТ-МОСКВА

Қулай «Боинг-767» да сешанба, пайшанба ва шанба кунлари.

Германия, Англия ва Франция рейсларига 5 фоиз чегирма.

Пенсионерлар, талабалар ва олдидан сотиб олинган чипталарга чегирмалар.

Ёзда янги рейслар: Эдинбург, Бухоро, Анадирь, Магадан.

Тел: 133-27-45, 133-76-38, 133-99-35

www.fransaero.uz

**ТРАНСАЭРО**  
АВИАКОМПАНИЯСИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЭ БИРЖАСИ

қўйидаги компьютер ва телекоммуникация ускуналарини миллий валюта — сўғта алоҳида лотлар бўйича етказиб бериш бўйича оғиқ аукцион шаклида тендер ўтказилишини эълон қилади.

ЛОТ № 1	Сони
<b>Номи</b> Сервер: Server Dell PowerEdge 6600 Quad Intel® Xeon Processor 2.2 GHz with 2MB L3 cache/ServerWorks Grand Champion High End (GC-HE) chipset with 400MHz front side bus/ 6GB DDR SDRAM/PERC 3/DC RAID Controller (128MB Cache) (channels: 1x1NT, 1xEXT)/Integrated Ultra3 (Ultra 160) SCSI Adapted® AIC-7892 (160 Mб/сек) 6x 73GB 10,000rpm 1 U320 SCSI hard drive/2 встроенных сетевых адаптера Broadcom NetXtreme Gigabit Ethernet (10/100/1000)/CD-ROM 24xIDE/Dell performance keyboard (midnight grey)/MS Intelli System 2 button Mouse/ User and Troubleshooting Guides	2
<b>Номи</b> Компьютерлар, параметрлар Dell OptiPlex GX270 Pentium® IV 2.8GHz with 512K Cache/256MB DDR SDRAM (2*128MB PC333 Non-ECC) Memory/40GB (7.200rpm) IDE Hard Drive/Intel® Extreme Integrated Graphics 2 (utilizing up to 64MB of system memory)/Integrated Sound Blaster Compatible Sound (AC97 Audio) 3.5" 1.44MB Floppy Drive (Removable Modular Bay Device)/CD-ROM Drive/Enhanced QuietKey™ (Spacesaver) keyboard/Dell 2 Button Scroll PS/2 Mouse/Mouse Pad/MicroSoft® Windows® XP Professional (Service Pack 1) / Documentation & Recovery CD for selected Operating System/Dell I17" (15.9 VIS) Value (MPRII) Monitor	50
<b>Номи</b> Мобил компьютерлар: Notebook Dell Inspiron 1150 Pentium 2.8 GHz 15" XGA TFT display/512MB 266MHz DDR RAM (2x512)/40GB ULTRA ATA-100 Hard Drive/Integrated Intel (R) Extreme Graphics Up to 64MB shared system memory / Fixed Internal 4X DVD+RW Drive with Software/Internal 56k Modem (Modem Daughter Card) and LAN on Motherboard.	3
<b>Номи</b> Лазерли принтерлар Laser Jet HP 1012 Лазерли принтерлар Laser Jet HP 1300 Лазерли принтерлар Laser Jet HP 2300	12 5 5
<b>Номи</b> Коммутатор CISCO Catalyst 2950T-WS-C2950G-48-EI4810/100 2 GBIC slots Асинхрон модем 56K	1 16
<b>Номи</b> Электрон табло (биржининг котировка сатри)	1

Талабгорлар тақлифлари (аризалари) алоҳида лотлар бўйича қабул қилиниб, тендер гоилибларини аниқлаш ҳам ҳар бир лот бўйича алоҳида ўтказилади.

1-3-лотлар бўйича тақлифлар берилганда, маъмур рўсумдаги ускуналарни ишлаб чиқарувчиларнинг номи кўрсатилган бўлиши шарт.

Компьютер ва телекоммуникация ускуналарини етказиб ва монтаж қилиб бериш мuddати — шартнома тузилган пайдан бошлаб 30 банк иш куни.

Аризаларни топшириш мuddати — 2004 йил 11 май соат 18.00гача.

Маълумот учун телефон, тендер ҳужжатларини олиш, тендер шартлари билан танишиш, тендерда иштирок этиш мақсадида гаров пулини тўлаш учун банк реквизитларини олиш учун телефонлар: 139-83-77, 139-83-82, манзил: 700003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 53-уй.

## Коллеж қошида поликлиника

Термиз тиббиёт коллежи талабаларининг амалиётни янада мустаҳкамлашлари учун катта имконият туғилди. Коллеж қошида барча қулайликларга эга бўлган поликлиника ишга туширилди. Коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича муовини Раҳматулло Норов «Туркистон-пресс» муҳбирига бу ҳақда шундай деди:

— Поликлиниканинг очилиши бизга икки жиҳатдан фойдалидир. Биринчидан, шу ёрнинг ўзиде талабалар ўз соғлиқларини назорат қиладилар, тиббий қўриқдан ўтадилар. Иккинчидан эса, жамоамизнинг малакали ва тажрибали мутахассслари тўлиқ иш ўрини билан таъминланади. Янги поликлиникада акушер-гинекология, УЗИ-таъхис, кўз, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари муолажа хоналари бор.

## Янгиликдан хабарингиз борми?

МИНЕРАЛ СУВ, ЛИМОНАД, АЛКОГОЛСIZ ПИВО МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Torsuna-Industrial» хорижий корхонаси**

Италия ускуналарида 6,00 ва 6,75 миллиметр баландиликдаги рангли логотипли кронтекинларга бюртма қабул қилади.

Бундай кронтекинларга корхонангиз белгиси ёки зарур сўзларни рангли логотипда кўрсатиш имконияти мавжуд. Биз ишлаб чиқарётган барча кронтекинлар жаҳон андозалари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти идораси талабларига тўла мос келади. Махсулот SSUZ 01.129.23290 рақами билан реестр рўйхатидан ўтказилиб, унга 2003 йил 9 декабрда 0131410-рақамли сертификат берилган.

Қанбаки ва сохта махсулотлардан эҳтиёт бўлинг! Сертификатланмаган хомашэ ва ишлов берилмаган тунуқадан сифатсиз зичлаш прокладжаси қўйилиб, қўлбола усулда тайёрланган кронтекинларни қўлаш билан сиз Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиологик талабларини қўпол равишда бузган ва ўз махсулотингиз сифатини шубҳа остида қолдирган бўласиз.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, «Катортол» кўчаси, 60-уй. Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 173-83-43, 173-93-12.

## «ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан

ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» рўсумидаги юк машинасини тақлиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

Телефонлар: 169-47-62, 169-59-30

Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» агентлиги-жамоаси давлат инспектори Гулнора Мирзаевага олпса

**ГЎЗЛХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзулгужисавдо» акциядорлик компанияси жамоаси «Агротраст» фирмаси собиқ раҳбари **Мирмуҳсин Муродовнинг РАЖАБОВНИЧ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати институти Чолғу жамоаларига раҳбарлик кафедраси катта ўқитувчиси Қумри Абдумалиқовга олпса **РИСОЛАТ** аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир  
Аббосхон  
УСМОНОВ

Тажриб хайъати:  
Э. БОЛИЕВ  
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
П. ДЮГАЙ,  
Ш. ЖАББОРОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
Л. КУЧЕРЕНКО  
(масъул котиб — «Народное слово»),  
С. МИРАЛИМОВ,  
М. МИРАЛИМОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
А. САИДОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
М. САФАРОВ,  
И. ЎТБОСАРОВ,  
А. ХАЙДАРОВ,  
Ў. ҲОШИМОВ.

## БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;  
133-78-92

Иқтисодийёт — 136-36-65;  
132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетачилик билан алоқа ва мунтақалар — 133-52-55;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;  
132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида

001-рақам билан рўйхатда олинган.

Буюртма Г — 572,  
29008 нуҳсада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ,  
Қоғоз бичими А — 2.  
Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Б. Файзиев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.  
Навбатчи — М. Нормуродова.  
Мусаххих — М. Ёқубова.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

□ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топшириш — 21.20

1 2 3 4 5